

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

АБДИЕВ ШЕРЗОД АБДУРАХМОНОВИЧ

**ТАЯНЧ-ҲАРАКАТ АППАРАТИ ШИКАСТЛАНГАН ЮҚОРИ
МАЛАКАЛИ УЛОҚТИРУВЧИЛАРНИНГ СПОРТ
МАШҒУЛОТЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФАРАТИ**

Чирчиқ- 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Table of contents of the dissertation of Doctor of Philosophy (PhD) on
Pedagogical Sciences**

Абдиев Шерзод Абдурахмонович

Таянч-ҳаракат аппарати шикастланган юқори малакали улоқтирувчиларнинг
спорт машғулотларини оптималлаштириш.....3

Абдиев Шерзод Абдурахмонович

Оптимизация спортивных тренировок высококвалифицированных метателей
с нарушением опорно-двигательного аппарата..... 29

Abdiev Sherzod Abdurakhmanovich

Optimization of sports training of highly qualified throwers with disorders of the
musculoskeletal system.....56

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....60

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

АБДИЕВ ШЕРЗОД АБДУРАХМОНОВИЧ

**ТАЯНЧ-ҲАРАКАТ АППАРАТИ ШИКАСТЛАНГАН ЮҚОРИ
МАЛАКАЛИ УЛОҚТИРУВЧИЛАРНИНГ СПОРТ
МАШҒУЛОТЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФАРАТИ**

Чирчиқ- 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Ped436 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.uzdjtsu.uz ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Содиков Акбар Гайратович
педагогика фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Алламуратов Шухратулла Иноятович
биология фанлари доктори, доцент

Саидов Иззатилла Исматович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд Давлат университети
Ўзбекистон-Финляндия педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.:(0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76; веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail:uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети «В» биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.:(0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» куни тарқатилган.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Р.Болтабаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби п.ф.б.ф.д.(PhD), доцент

Ф.А.Керимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида сўнгги йилларда паралимпия спорт турларини оммалаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Паралимпия спорт натижаларининг кескин ошиб бориши машғулот юкламаларининг оптималлаштириш талабини қўймоқда. Паралимпия спорт турлари ичида пара энгил атлетика мусобақалари кўпқирралилиги ҳамда оммавийлиги билан ажралиб туради. Пара энгил атлетика билан шуғулланувчилар контингентининг кун сайин ортиб бориши муҳим халқаро мусобақаларда иштирок этадиган спортчиларни тайёрлашга алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда илмий тадқиқотчилар томонидан пара энгил атлетикачилар учун индивидуал саралаб олинган машқларни бажариш усулларини ўрганиш бўйича, ўлоқтиришни кинематик таҳлил қилиш бўйича, ногиронларни ўтирган ўриндиқ ҳолатининг таъсирини таҳлил қилиш бўйича, пара энгил атлетика спорт турларига саралаш ва йўналтириш, функционал имкониятларини ошириш, техник усулларга ўргатиш ҳамда машғулотларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Бироқ бир қатор муаллифларнинг тадқиқотларига қарамай, таянч-ҳаракат аппарати шикастланган улоқтирувчиларни машғулот юкламаларини оптималлаштиришга индивидуал ёндошиш муаммоси етарлича ўрганилмаганлигини ҳисобга олиб илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурияти юзага келмоқда.

Республикамизда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни танлаб олиш, уларни спорт турларига йўналтириш ва тайёрлаш учун бугунги кунда юртимизда жуда кўплаб шарт –шароитлар яратилган бўлиб, спортда юқори натижаларга эришиш мақсадида кўплаб имкониятлар яратилиб келинмоқда. Жумладан, пара энгил атлетикачи улоқтирувчиларнинг юксак ютуқлари фонди, машғулотларни янги усулларини ишлаб чиқишнинг амалий вазифаси, машғулот фаолияти натижавийлигини оширувчи янада самарали воситаларни танлаш ва йўналтириш вазифалари белгилаб берилмоқда. «Шу билан бирга, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда».¹ Пара энгил атлетикачиларни спорт машғулотларини оптималлаштириш ва спорт фаолиятини самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш каби ўзига хос муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ чора-тадбирларга катта эътибор қаратилмоқда. Шунга қарамай таянч-ҳаракат аппарати шикастланган юқори малакали улоқтирувчиларни спорт машғулотларини оптималлаштиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 майдаги ПҚ-5114-сон “Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш”га доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори.1-2 бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сон “Соғлом турмуш тарзини кенг тадбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 18 майдаги ПҚ-5114-сон “Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” билан боғлиқ устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада бир қатор муаллифларимиз ногиронликни маълум турида спорт машғулотларига мослашиш назарияси бўйича Р.С. Саломов, М.Х. Миржамолов², бошланғич синф ўқувчиларида қадди-қомат бузилишини олдини олиш ва даволаш бўйича Л.Б.Собирова³ ва бошқа мутахассислар томонидан соҳага оид турли изланишлар олиб борилган.

МДХ мамлакатларида ҳам етакчи олимлардан бир қанча илмий ишлар олиб борилган бўлиб, адаптив жисмоний тарбияда янги технологияларни қўллаш самарадорлиги бўйича И.В. Еркомайшвили, А. Сазонов, А.С. Солодков ва О.В. Морозова⁴, ва бошқалар томонидан амалиётга тадбиқ этилган.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида чет эл олимлари томонидан таянч-ҳаракат аппарати шикастланишларининг жуда кўп турларини табақалаш бўйича Chow J.W., Kuenster A.F., Lim Y.⁵, жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг ёш чегаралари бўйича ва жисмоний тайёргарлигини оширишнинг илмий услубий жиҳатлари бўйича MacLeish M.S., Cooper R.A.⁶, спорт кўрсаткичларини яхшилаб боришнинг хусусиятлари бўйича Harralson J.,

² Саломов Р.С., Миржамолов М.Х. Жисмоний имконияти чекланган ўқувчиларнинг спорт машғулотларига мослашиши. Ўқув-услубий қуланма. “Ита пресс”, 2014. - 232 б.

³ Собирова Л.Б. Бошланғич синф ўқувчиларида қадди-қомат бузилишини олдини олиш ва даволаш. Диссертация 2020.-80-б

⁴ И.В. Еркомайшвили, А. Сазонов, А.С. Солодков ва О.В. Морозова Теория и организация адаптивной физической культуры и спорта: Учебник. М.: «Спорт», 2016, -616 с.

⁵ Chow J.W., Kuenster A.F., Lim Y. Analysis of the influence of an articulated seat position for wheelchair // Revista Cooper Brasileira de Biomechanica. 2014. V.30, N 2. P.114-126.

⁶ MacLeish M.S., Cooper R.A., Adaptive physical education 2005. №32 (3) P.104-108.

Ster J.F.⁷ ва бошқа мутахассислар томонидан соҳага оид турли изланишлар олиб борилган.

Таҳлилларга кўра, таянч ҳаракат аппаратида шикастланиши бўлган спортчиларнинг ўқув-машғулоти бўйича илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, таянч-ҳаракат аппарат тизимига шикаст етган пара енгил атлетикачи улоқтирувчиларни спорт машғулотларини оптималлаштириш учун зарур бўлган билим чегаралари кенгайтирилмаган. Таянч-ҳаракат аппарати шикастланган спортчиларнинг пара енгил атлетика машғулотида турли хил улоқтириш турлари ва функционал синфларга эга бўлган спорт машғулоти тизимини яратиш жараёнида юзага келадиган муаммоли жойлари аниқланди ва асосий муаммоларни ечишнинг мумкин бўлган ечимлари кўрсатилди. Мазкур ҳолат диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқоти бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № V/I б “Паралимпия спортчилари тайёргарлик тизимини такомиллаштиришнинг назарий-услубий асослари” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таянч-ҳаракат аппарати шикастланган юқори малакали улоқтирувчиларни техник элементларни ўзлаштиришда биомеханик кўрсаткичларидан келиб чиқиб спорт машғулоти оптималлаштириш юзасидан таклиф ва тавсифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таянч-ҳаракат аппаратида шикастланиши бўлган юқори малакали улоқтирувчилар тайёргарлигининг учта турлари бўйича, нозологиянинг ҳар бир таснифи учун танлаб йўналтирилган воситаларини саралаш ва назорат қилиш;

таянч-ҳаракат аппарати шикастланган пара енгил атлетикачиларни улоқтириш техникасини элементларини бажаришда тананинг эгилиш бурчаги ва тезланишини ҳисобга олиб техник тайёргарлигини такомиллаштириш;

таянч-ҳаракат аппарати шикастланган пара енгил атлетикачи улоқтирувчиларни мусобақа машқларининг техник модел хусусиятларини коррекциялаш ҳисобига улоқтирувчиларнинг индивидуал имкониятлари оптималлаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

юқори малакали улоқтирувчиларнинг турли снарядларда махсус ускуналардан фойдаланишга қаратилган зарбдор микроциклларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида юқори малакали таянч-ҳаракат аппарати тизими шикастланган улоқтирувчиларнинг спорт машғулоти жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети таянч-ҳаракат аппарат тизимида шикастланиши бўлган спортчиларнинг пара енгил атлетика турлари бўйича

⁷ Harralson J., Ster J.F. Design of a composite monocoque frame racing wheelchair. 1993. No 30 (2). P.233-249.

ихтисослашган юқори малакали спортчиларни спортга тайёрлаш тизими ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари: илмий-услубий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатув, педагогик назорат, педагогик тестлаш, антропометрия, машғулот жараёнининг таҳлили, педагогик тажриба, математик-статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

таянч-ҳаракат аппаратида шикастланиши бўлган юқори малакали улоқтирувчилар тайёргарлигининг жисмоний, техник, функционал ҳолатидан келиб чиқиб нозологиянинг ҳар бир спорт синфи учун (F42-43, F56-57, F51-55, F31-33) бажара олиш имкони бўлган воситаларни (асосий юкламалар тушадиган мускуллар асосида) саралаш ва мажмуавий (жисмоний сифатлари ва техникасини) назорат қилиш ҳисобига спортчиларнинг интеграл бошқариш тизими кенгайтирилган;

таянч-ҳаракат аппарати шикастланган пара енгил атлетикачи улоқтирувчиларни техник тайёргарлигида тананинг сагитал текисликда эгилиш бурчакларини ҳаракат тезлигининг бошланғич фазасига нисбатан улоқтиришнинг охирги босқичида снаряднинг мутлақ тезлиги эвазига спорт натижаларини яхшилаш имконияти оширилган;

таянч-ҳаракат аппарати шикастланган пара енгил атлетикачи улоқтирувчиларни мусобақадаги техник ҳаракатларни биомеханик кўрсаткичларидан келиб чиқиб техник заҳирасида модел хусусиятлари бўйича камчиликларини тана ҳолатига нисбатан елка бурилишларини ва улоқтиришда снарядни учиш бурчакларининг оғиш ҳаракатларини ўз вақтида тўғирлаш ҳисобига улоқтирувчиларнинг индивидуал имкониятлари оптималлаштирилган;

улоқтирувчиларнинг турли снарядларда катта куч талаб этадиган машқлар учун махсус ускуналардан фойдаланиб портлаш кучини такомиллаштиришга қаратилган қисқа муддатда катта куч намоён қиладиган (тезкор куч, куч, чидамлилиқ) ҳамда хафталик юкламаларни меёрлаш орқали микроциклларни ишлаб чиқиш ҳисобига спорт амалий машғулотлари оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таянч-ҳаракати аппарати тизими шикастланган спортчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги даражасини баҳолайдиган юқори самарали педагогик тестлар тизими ишлаб чиқилган;

таянч-ҳаракат аппарати тизими шикастланган юқори малакали пара енгил атлетикачиларни функционал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мусобақа олди машқларда техник захираларни излаш учун махсус тестлар ишлаб чиқилган;

нозологик хусусиятларни ҳисобга олиш ва ҳаракатларни амалга ошириш қобилиятини аниқлашда техник воситалардан юқори даражада фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув, адаптив жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси соҳасидаги чет эл ҳамда республикаимиз олимларининг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот услубларининг қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги, тажриба синов ишларининг ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таянч-ҳаракат аппарати тизими шикастланган юқори малакали спортчиларнинг пара енгил атлетикачи улоқтирувчиларни функционал синфларда махсус жисмоний тайёргарлигини баҳолаш тизими ва жисмоний тайёргарлиги методикаси синовдан ўтказилди ва жорий этилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таянч-ҳаракат тизимида шикастланиши бўлган спортчиларининг пара енгил атлетика турлари бўйича юқори малакали спортчиларни техник тайёргарлиги методикаси спортчиларнинг функционал хусусиятларини инобатга олган ҳолда саралаб олинган машқларда техник захираларидан фойдаланган ҳолда синовдан ўтказилди ва амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турли нозологиялар ва спорт синфларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган тест мажмуи ва унда қўлланилган восита ва усуллар бўйича олинган натижалар асосида:

таянч-ҳаракат аппарати шикастланган юқори малакали улоқтирувчиларни техник тайёргарлик методикаси, функционал хусусиятларини инобатга олган ҳолда самарали воситалардан фойдаланиш бўйича таклифлар “Адаптив енгил атлетикани ўқитиш методикаси” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 август 418-сонли буйруғига асосан 418-086 рақамли гувоҳнома). Натижада пара енгил атлетикачи улоқтирувчиларни мусобақа олди жисмоний тайёргарлик самарадорлиги даражаси 18,11 % га яхшиланган;

таянч-ҳаракат аппарати шикастланган пара енгил атлетикачиларни улоқтириш турларида техник тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар “Адаптив енгил атлетикани ўқитиш методикаси” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 август 418-сонли буйруғига асосан 418-086 рақамли гувоҳнома). Натижада пара енгил атлетикачи улоқтирувчиларни техник тайёргарлик самарадорлиги даражаси 22,15 % га яхшиланган;

таянч-ҳаракат аппарати шикастланган пара енгил атлетикада улоқтирувчиларни мусобақа машқлари бўйича техник ҳаракатларни тузишда

биомеханик кўрсаткичларидан келиб чиқиб техник захирасида модел хусусиятларини индивидуал имкониятларини оптималлаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон енгил атлетика федерациясида шуғулланувчилар билан олиб борилган машғулот жараёнига тадбиқ қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 14-октябрдаги 03-17-02/9030 сон маълумотномаси ва Ўзбекистон енгил атлетика федерациясининг 2021 йил 11 октябрдаги 366-сон далолатнома). Натижада юқори малакали улоқтирувчиларни умумий техник ҳаракатларнинг ўсиш даражаси 20,13% га ошган;

улоқтирувчиларнинг турли снарядларда бажариладиган машқлар учун махсус ускуналардан фойдаланишини ҳисобга олишга қаратилган зарбдор микроцикллар. Ўзбекистон пара енгил атлетика терма жамоа аъзолари ўқув-машғулотларида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 14-октябрдаги 03-17-02/9030 сонли маълумотномаси, Ўзбекистон енгил атлетика федерациясининг 2021 йил 11 октябрдаги 366 - сон далолатнома). Натижада, Токио 2020 паралимпия ўйинларида таянч-ҳаракати шикастланган улоқтирувчиларимиз, Х.Норбеков, М.Хамдамова олтин, Н.Курбонова кумуш ва бронза, Д.Ахматхонова ва М.Рихсимовлар 6 - ўрин, Ё.Одилов 9- ўринларни қўлга киритишган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий услубий иш, шу жумладан, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, 3 та тезис ва 1 та хорижий журналларда мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузулиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат бўлиб, 140 саҳифали матн, 10 та расм, 12 та жадвал, хотима, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги асосланган, тадқиқот муаммоси, мақсади, объекти, предмети, илмий гипотезаси шакллантирилган; вазифалар, тадқиқот усуллари белгилаб берилган; тадқиқотнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган; тадқиқот босқичларининг мазмуни очиб берилган, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар илгари сурилган.

Диссертациянинг **“Таянч-ҳаракат аппарати шикастланган пара енгил атлетика улоқтириш турлари бўйича машғулотлар самарадорлиги”** деб номланган биринчи бобида пара енгил атлетика улоқтирувчиларни машғулотларини оптималлаштириш муаммосини тизимли таҳлил қилиш натижалари кўрсатилган.

Илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида илмий тадқиқотларнинг қуйидаги йўналишлари аниқланди:

машғулотларнинг самарали ўтказиш ва яхши шароит яратиш учун: нозологик хусусиятларни ҳисобга олиш ва меъёрлаш тамойилларини, ҳаракатларни бажариш қобилиятини аниқлаш ва ҳисобга олиш, махсус техник воситалардан юқори даражада фойдаланиш лозимлиги таъкидланган.

Хорижий муаллифлардан, адаптив жисмоний тарбияда янги технологияларни қўллаш самарадорлиги бўйича [Еркомайшвили И.В., Солодков А.С., Морозова О.В.] ўтказган тадқиқотларида улоқтирувчиларга барча нозологиялар бўйича жуда кўплаб воситалар қўлланилган, бироқ таянч ҳаракат аппарати шикастланган улоқтирувчиларнинг машғулот жараёнида техник ҳаракатларини ривожлантиришда уларнинг нозологиялари бўйича махсус машқларни саралашга аҳамият берилмаган.

Имконияти чекланган спортчиларнинг ҳаракат сифатларини ривожлантиришнинг асосий омиллари бўйича [Королёв С.А., Евсеев С.П.] бир қатор услублардан фойдаланишган, бироқ машғулот жараёнида саггитал бузилишларини бартараф этишга эътибор қаратилмаган.

Мамлакатимиз мутахассисларидан Қудратов Р.Қ., Шакиржанова Қ.Т., Олимов М.С., Абдуллаев М.Ж., Солиев И.Р. томонидан бир қатор дарслик, ўқув қўлланмалар ва илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, улар энгил атлетика спортчиларини тайёрлашда машғулотларни инновацион технологиялар ҳамда ҳаракатли ўйинлар орқали машғулотларни оптиммалаштиришга эътибор қаратилган. Бироқ таянч ҳаракат аппарати шикастланган улоқтирувчиларни сараланган воситалар билан техникасини такомиллаштириш инobatга олинмаган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот усуллари ва уни ташкил этиш”** деб номланган иккинчи бобда тадқиқот усуллари, педагогик тажрибани ташкил этиш ва ўтказишнинг хусусиятлари, тадқиқотни уч босқичининг ҳар бири бўйича олиб борилган ишнинг тузилиши ва тадқиқотлар 2018-2021 йиллар давомида уч босқичда ўтказилганлиги баён этилган.

Биринчи, изланиш босқичида (2018-2019 йиллар) ТҲА (*Таянч Ҳаракат Аппарати*) шикастланган пара атлетикачиларни улоқтириш турлари бўйича мавзуга оид меъерий хужжатлар, машғулот режалари, илмий-услубий адабиётлар ҳамда статистик маълумотлар қиёсий таҳлил асосида ўрганилди. Машғулотлардаги самарали воситаларни хусусиятлари аниқланди ва тадқиқот натижалари етакчи олимларни фикр мулоҳазалари асосида диссертация ишининг мақсади ва вазифалари белгилаб олинди.

Иккинчи, тажриба олди босқичида (2019-2020) Юқори малакали пара энгил атлетика улоқтириш турларида, ТҲА шикастланган спортчиларнинг спорт таснифларига хос равишда ҳафталик машғулот режалари ишлаб чиқилган. Ушбу турлардан самарали фойдаланиш учун мумкин бўлган техникалар тўплами аниқланди, муаммони ҳал қилиш учун ҳар бир спорт тури, функционал синфлари ва машғулот жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган -

сараланган машқлар натижалари даражаси билан боғлиқ бўлган педагогик тестлар мажмуаси яратилди ва ушбу босқичда дастлабки тажриба ўтказилди.

Учинчи, педагогик тажриба ўтказилиб (2020-2021) тадқиқотда Паралимпия ўйинларига тайёргарлик жараёни кузатилди - пара енгил атлетика турлари бўйича юқори малакали улоқтирувчиларни, махсус тайёргарлик тамойиллари ва оқилона даврлаштириш, шунингдек назорат қилиш тизимидан фойдаланган ҳолда, турли хил машғулотларнинг мавжуд усуллари, муаммоларни ечишга асосланган машғулот режалари ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг “Таянч-ҳаракат аппарати шикастланган юқори малакали улоқтирувчиларни спорт тайёргарлигини тизимли назорат қилиш” деб номланган учинчи бобда, юқори малакали пара енгил атлетика улоқтирувчиларни машғулот режалари ишлаб чиқилди ва назорат қилинган.

Пара енгил атлетика турларининг мусобақа машқларини бажариш техникасига нозологик омилнинг таъсири даражаси бўйича тўрт гуруҳга бўлиниши 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Пара енгил атлетика улоқтириш турларида - нозологик омилларининг мусобақа машқлар услубига таъсири

№	Нозологик гуруҳи	Спорт тоифалари
1	Биринчи енгил шикастланган	F38, F40-41, F44, F46
2	Иккинчи ўртача шикастланган	F42-43, F45, F35-37
3	Учинчи оғири шикастланган	F34, F56-57
4	Тўртинчи ўта ўғир шикастланган	F31-33, F51-55

Улоқтириш спорт тури бир нечта таснифларга бўлинади, таснифлаш жараёнини Халқаро Паралимпия Кўмитаси томонидан назорат қилинади. Спорт синфларига бўлинишининг асосий сабаби соғлом рақобатни юзага чиқариш, мисол учун оёқ ампутациясига учраган спортчилар ҳудди шундай нуқсонли бўлган спортчилар билан бахслашади.

Тажриба ва назорат гуруҳларини умумий жисмоний тайёргарлик ҳолатини текшириш ва таққослаш учун назорат тестларининг намунаси 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳларини умумий жисмоний тайёргарлик ҳолатини текшириш ва таққослаш учун назорат тестлари

№	Назорат тестлари
1	Юзтубан ётган ҳолда қўлларга таяниб тирсакни букиб ёзиш
2	Кўшпояда қўлларни букиб ёзиш
3	Чалқанча ётган ҳолда гавдани кўтариш (пресс)
4	Ядро улоқтириш (аёллар) 3 кг (эркаклар) 5 кг пастдан икки қўл билан
5	Ядро улоқтириш (аёллар) 3 кг (эркаклар) 5 кг бош ортидан икки қўл билан
6	Ядро улоқтириш (аёллар) 3 кг (эркаклар) 5 кг кўкрак олдида икки қўл билан
7	Ядро улоқтириш 2 кг ўтирган ҳолда икки қўл билан бош орқасидан

2-жадвал давоми	
8	Ядро улоқтириш 2 кг ўтирган ҳолда икки қўл билан кўкрак олдида
9	Бир қўлда 150 г тўпни улоқтириш
10	Ўтган ҳолда штангани сиқиб кўтариш
11	Смит тренажёрда ўриндикдан ўтган ҳолда ўз вазнини 70% тенг массани 5 мартта кўтариш
12	Смит тренажёрда ярим букилган ўриндикдан ўтирган ҳолда ўз вазнига 50% тенг масса билан 5 сония кўтариш

Таянч-ҳаракати аппарати шикастланган спортчиларнинг спорт турлари бўйича машғулотларида янада самарали ва тартибли ишлаши учун, ушбу тестлар кўп босқичли ўқув жараёнини ташкил қилишнинг асосий мезонларини тақдим этади. Хусусан, функционал таснифига ва тайёргарлик босқичига боғлиқлигини ҳисобга олинади. Шундай қилиб сифатли машғулот жараёнини шакллантириш учун таянч ҳаракат аппарати шикастланиши бўлган ва спортчини юқори спорт даражасига кўтарадиган нозологик омили тўлиқ ва кўп қирраларини ҳисобга олиниши зарур.

3-жадвал

Улоқтирувчиларнинг функционал синфлари учун саралаб олинган жисмоний воситалар

F35, F42 спорт ва функционал таснифлардагилар мос келадиган машқлар:	
- ўтирган жойида, кўкрагидан икки қўл билан 3 кг ли ядро итқитиш;	
- ядро улоқтириш 3 кг - аёллар, 5 кг - эркаклар иккала қўли билан бошнинг орқасидан;	
"Смит тренажёри" да ўтган ҳолда, ўз вазнига 70% га тенг вазнли штангани кўтариш, 5 мартта вақтга	
"Смит тренажёри"да ярим букилган ўриндикда ўтирган ҳолда, ўз вазнининг 50% га тенг масса билан 5 секунд кўтариш.	
F36,38 ,F40,41,44 функционал таснифларда ядро итқитиш, диск ва найза улоқтириш учун машқлар	
- ядро улоқтириш 3 кг - аёллар, 5 кг - эркаклар икки қўллари пастдан;	
- ядро улоқтириш 3 кг - аёллар, 5 кг - эркаклар иккала қўли билан бошнинг орқасидан;	
- ядро улоқтириш 3 кг - аёллар, 5 кг - эркаклар кўкрагидан икки қўли билан;	
- "Смит тренажёри"да ярим букилган ўриндикдан ўтирган ҳолда, ўз вазнининг 50% га тенг масса билан 5 секунд кўтариш;	
- "Смит тренажёри" да ўтган ҳолда, ўз вазнига 70%га тенг вазнли штангани кўтариш, 5 мартта вақтга	
- ўтирган жойида, кўкрагидан икки қўл билан 3 кг ли ядрони улоқтириш;	
- Ўтирган ҳолда, иккала қўл билан бошнинг орқасидан 3 кг ли ядрони улоқтириш;	
- бир қўли билан 150 г ли тўпни улоқтириш;	
F37, F46 спорт ва функционал таснифларида ядро итқитиш, диск ва найза улоқтириш учун машқлар:	
- ядро улоқтириш; 2 кг - аёллар, 5 кг – эркаклар, икки қўллари пастдан;	
- ядро улоқтириш; 2 кг - аёллар, 5 кг -эркаклар кўкрагидан икки қўли билан;	
- ўтирган жойидан, кўкрагидан, икки қўл билан 3 кг ли ядрони улоқтириш;	
- "Смит тренажёри" да ўтган ҳолда, ўз вазнига 70%га тенг вазнли штангани кўтариш, 5 мартта вақтга	
- "Смит тренажёри"да, ярим букилган ўриндикдан, ўтирган ҳолда, ўз вазнининг 50% га тенг масса билан - 5 секунд кўтариш;	
- 150 г ли тўпни бир қўли билан улоқтириш.	

3-жадвал давоми

F32, F51-52 спорт ва функционал таснифларида ядро итқитиш бўйича машқлар:
- ўтирган жойидан, кўкрагидан, икки қўл билан 2 кг ли ядрони улоқтириш;
- ўтирган ҳолда, бир қўл билан 150 г ли тўпни улоқтириш;
- "Смит тренажери"да, ярим букилган ўриндикда/ ўтирган ҳолда, ўз вазнининг 50% га тенг масса билан 5 секунд кўтариш
- ўтирган ҳолатда, бош орқасидан, икки қўл билан 2 кг ли ядрони улоқтириш;
- "Смит тренажери" даги ярим ўтирган ҳолда, ўз вазнининг 70% га тенг вазн билан (вақтга) 5 март/а туриш;
F53-54 спорт ва функционал таснифларида ядро итқитиш, диск ва найза улоқтириш бўйича машқлар:
- ўтирган ҳолатда, бош орқасидан, икки қўл билан 2 кг ли ядрони улоқтириш;
- ўтирган жойида, кўкрагидан, икки қўл билан 2 кг ли ядрони улоқтириш;
150 г ли тўпни улоқтириш.
- "Смит тренажери" даги ярим ўтирган ҳолда, ўз вазнига тенг вазн билан вақтга - 5 мартта туриш;
F34, F55-57 спорт ва функционал таснифларида диск ва найза улоқтирувчилар учун машқлар:
- Икки қўл билан бошнинг орқасидан, ўтирган ҳолатидан - 2кг ли ядрони улоқтириш;
- ўтирган жойида, кўкрагидан, икки қўл билан 2 кг ли ядрони улоқтириш;
- ўтирган жойидан кўкрак олдидан икки қўл билан 3 кг ли ядрони улоқтириш;
-"Смит тренажери"да, ярим букилган ўриндикдан, ўтирган ҳолда, ўз вазнининг 50% га тенг масса билан 5 секунд кўтариш.
- ўтирган жойидан, бир қўл билан 150 г ли тўпни улоқтириш.

Изоҳ: Жисмоний воситаларни саралашдан мақсад ўрганилаётган турлар бўйича спортчиларнинг жисмоний тайёргарлигини аниқлаш. Махсус жисмоний сифатларини ривожлантириш ва воситаларини, усулларини мунтазам равишда ишлатишга асосланган бўлиб, бу спортчининг танасида маълум шароитларда барча ҳаракатларини бажаришга имкон берадиган жараёнларнинг самарадорлигини ошириш ва улоқтириш турларидаги махсус жисмоний сифатларига, тезликка бардош берадиган қобилиятлар, портлаш кучи, чидамлилиқ, сифатларини мувофиқлаштириш кераклиги аниқланди. Таянч-ҳаракат аппарати шикастланиши бўлган спортчиларга ҳар бир таснифи учун сараланган жисмоний воситалар тўплами шакллантирилган, улардан фойдаланиш хавфсиз, машғулот жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган махсус жисмоний сифатларини ривожланишини ҳар томонлама баҳолайдиган, шу билан биз амалга оширган нозологик хусусиятларни ҳисобга олиш ва меъёрлаш тамойиллари орқали амалга оширилган.

**Тажриба гуруҳи таянч-ҳаракат апарати шикастланган улоқтирувчилар учун мусобақа олди таеёргарлик босқичида ҳафталик микроциклни
намунавий машғулот режаси**

Хафта кунлари	Машғулот мазмуни	Меъёри (маротаба)	Машғулот йўналиши	1 дақиқада ЮҚС	Физиологик режими	Ташкилий услубий кўрсатмаси	
душанба	эрталаб	1.Смит тренажерида ярим букилган ўриндиқдан, ўтирган ҳолда, ўз вазнининг 50%га тенг штангани 5 секунд давомида кўтариш 2. Смит тренажери да ётган ҳолда, ўз вазнига 70%га тенг ваззли штангани кўтариш, 5 марта вақтга 3. Аёллар 3 кг , эркеклар 5 кг ядрони иккала қўли билан бошнинг орқасидан улоқтириш 4.Снарядни ушлаш ва елка ҳаракатларини ҳамда снарядни қўлдан чиққунча бўлган ҳаракатларни такомиллаштириш	3-5 3-5 8-10 10-12	Тезкорлик Техника	160-170	анаэроб	Машғулотлар имкон қадар тезликда бажарилиши керак; Снаряд билан бўлган машғулотларда спортчини ҳар бир ҳаракатини кузатиб ҳато, камчиликларини тузатиб бориш лозим
	Кечки	1. Юзгубан ётган ҳолда, қўлларга таяниб тирсақни букиб ёзиш 2. Кўшпояда қўлларни букиб ёзиш 3. Чалқанча ётган ҳолда гавдани кўтариш (пресс) 4.Ётган ҳолда штангани кўтариш (ўз вазнини 50 % га тенг оғирликни)	50x6 50x6 40x4 4-6	Умумий чидамлик	140-150	аэроб	Машғулотлар ўрта меъёрда бажарилиши керак
сешанба	эрталаб	1.Смит тренажерида ярим букилган ўриндиқдан, ўтирган ҳолда, ўз вазнининг 50% га тенг штангани 5 секунд давомида кўтариш 2. Смит тренажерида ётган ҳолда, ўз вазнига 70%га тенг ваззли штангани кўтариш, 5 марта вақтга 3.Юзгубан ётган ҳолда, қўлларга таяниб тирсақни букиб ёзиш 4. Кўшпояда қўлларни букиб ёзиш	3-5 3-5 40x5 40x5	Тезкорлик Чидамлик	170-180	анаэроб	Машғулотлар имкон қадар тезликда, охиригача бажарилиши керак.
	Кечки	1.Юзгубан ётган ҳолда, қўлларга таяниб тирсақни букиб ёзиш 2. Кўшпояда қўлларни букиб ёзиш 3. Чалқанча ётган ҳолда гавдани кўтариш (пресс) 4.Ётган ҳолда штангани кўтариш (ўз вазнини 50 % га тенг оғирликни)	50x6 50x6 40x4 4-6	Умумий чидамлик	140-150	аэроб	Машғулотлар ўрта меъёрда бажарилиши керак
chorшанба	эрталаб	1.Смит тренажерида ярим букилган ўриндиқдан, ўтирган ҳолда, ўз вазнининг 50%га тенг масса билан 5 секунд кўтариш 2. Смит тренажерида ётган ҳолда, ўз вазнига 70%га тенг ваззли штангани кўтариш, 5 марта вақтга 3. Ётган ҳолда штангани кўтариш (ўз вазнини 70 % га тенг оғирликни) 4.Турникда тортилиш.	3-5 3-5 3-5 10x4	Тезкорлик Куч	170-180	анаэроб	Машғулотлар имкон қадар тезликда бажарилиши керак
	Кечки	Дамолиш		--			
пайшанба	эрталаб	Дамолиш		--			

4-жадвал давоми

	Кечки	1.Смит тренажерида ярим букилган ўриндиқдан, ўтирган ҳолда, ўз вазнининг 50%ига тенг штангани 5 секунд давомда кўтариш 2. Смит тренажерида ётган ҳолда, ўз вазнига 70%га тенг ваззли штангани кўтариш, 5 марта вақтга 3. Аёллар 3 кг, эркаклар 5 кг ядрони иккала қўли билан бошнинг орқасидан улоқтириш. 4.Снарядни ушлаш ва елка ҳаракатларини ҳамда снарядни қўлдан чиққунча бўлган ҳаракатларни такомиллаштириш.	3-5 3-5 8-10 10-12	Тезкорлик Техника	160-170	анаэроб	Машғулотлар имкон қадар тезликда бажарилиши керак; Снаряд билан бўлган машғулотларда спортчини ҳарбир ҳаракатини қузатиб ҳато, камчиликларини тузатиб бориш лозим
жума	эрталаб	1.Смит тренажерида ярим букилган ўриндиқдан, ўтирган ҳолда, ўз вазнининг 50%ига тенг штангани 5 секунд кўтариш 2. Смит тренажери" да ётган ҳолда, ўз вазнига 70%га тенг штангани кўтариш, 5 марта вақтга 3. Юзтубан ётган ҳолда, қўлларга таъниб тирсақни букиб ёзиш 4. Кўшпоёда қўлларни букиб ёзиш	4-6 4-6 50х4 40х4	Тезкорлик идамлилиқ	170-180	анаэроб	Машғулотлар имкон қадар тезликда, охиригача бажарилиши керак.
	Кечки	1. Юзтубан ётган ҳолда, қўлларга таъниб тирсақни букиб ёзиш 2. Кўшпоёда қўлларни букиб ёзиш 3. Чалқанча ётган ҳолда гавдани кўтариш (пресс) 4.Ётган ҳолда штангани кўтариш (ўз вазнини 50 % га тенг оғирликни)	50х6 50х6 40х4 4-6	Узғунлиқ чидамлилиқ	140-150	аэроб	Машғулотлар ўрта меъёрда бажарилиши керак
шанба	эрталаб	1.Смит тренажерида ярим букилган ўриндиқдан, ўтирган ҳолда, ўз вазнининг 50%ига тенг штангани 5 секунд давомда кўтариш 2. Смит тренажерида ётган ҳолда, ўз вазнига 70%га тенг ваззли штангани кўтариш, 5 марта вақтга 3. Ётган ҳолда штангани кўтариш (ўз вазнини 70 % га тенг оғирликни) 4.Турникда тортилиш.	3-5 3-5 3-5 10х4	Тезкорлик Куч	170-180	анаэроб	Машғулотлар имкон қадар тезликда, нисбатан оғирроқ бўлган оғирликларда бажарилади.
	Кечки	1.Смит тренажерида ярим букилган ўриндиқдан, ўтирган ҳолда, ўз вазнининг 50%ига тенг штангани кўтариш 2. Смит тренажерида ётган ҳолда, ўз вазнига 70%га тенг штангани кўтариш. 3.Турникда тортилиш 4. Кўшпоёда қўлларни букиб ёзиш.	4-6 4-6 10х4 40х4	Куч УЖТ	150-160	Анаэроб-аэроб	Машғулотлар ўрта меъёрда бажарилиши керак
якшанба		Дамолиш		--			

Машғулот жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида ТҲА шикастланган пара енгил атлетиканинг улоқтириш турларида спорт жароҳати хавфини камайтириш учун биз - мураббийлар ва мутахассислар билан маслаҳатлашган ҳолда тадқиқот ишларини олиб бордик.

Тадқиқот жараёнида самарали воситаларидан бир хил ҳажмда ва интенсивлик билан бир хил гуруҳдаги спортчиларни тайёрлаш - турли хил натижаларга олиб келиши мумкинлиги сабабли машғулотларни самарали ва хавфсиз бўлишини таъминлаш мақсадида, микроциклдаги тайёргарлик бўйича машғулот режаларини ишлаб чиқиш. Машғулот жараёнининг таркибини ўрганиш уни режалаштириш, энг яхши амалиётларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида амалга оширилиши керак деб билдик.

Макроцикл энг катта циклик тузилиш бўлиб, унга тайёргарлик, мусобақа ва кўпинча ўтиш даври киради. Юқори малакали спортчиларни тайёрлашда ТҲА шикастланган спортчиларнинг пара атлетика турларида макроциклни даврийлаштиришнинг асосий усули - бу спорт формасининг бир ёки икки чўққиси билан бир йиллик машғулот, шунингдек ҳар бир макроциклда битта спорт формасининг битта машғулот чўққисига эга бўлган икки поғонали машғулотлардан фойдаланилди. Иккиламчи макроцикллардан фойдаланиш муҳим вақт оралиғининг мавжудлиги билан боғлиқ. Жамоода юқори даражадаги рақобат туфайли баъзи спортчилар саралаш мусобақаларида ўзларининг спорт формасининг чўққисига чиқиш учун икки томонлама ўқитиш макроциклларидан фойдаланадилар.


Таянч-ҳаракат аппарати шикастланган пара энгил атлетикачи улоқтирувчилар асосан бир йиллик битта чўққили макроциклдан фойдаланишади, пара энгил атлетика турларида ўзларининг спорт карераларига нисбатан етук ёшда бошлаган ҳамда уларнинг катта қисмини айниқса спорт фаолиятини, жисмоний қобилиятлари ва жисмоний ривожининг нозик даврларидан маҳрум бўлган. Улар кичик функционал захираларга эга, аммо восита маҳоратининг зарурий юкламаларига эга эмаслар. Ушбу кечикишларни қоплаш учун йиллик макроциклда тайёргарлик босқичининг узоқ вақтини қўллаш тавсия этилади.

Ўрганилаётган турларда тикловчи мезоцикл катта аҳамиятга эга. Ушбу босқичда спортчилар жисмоний машғулотларни дам олиш машғулотларига ўтказадилар, шунингдек ҳажм ва интенсивлик жиҳатидан кичик жисмоний юкламаларни бажарадилар. Шу билан бирга, мавжуд сурункали касалликларнинг даражасини сақлаб туриш ва таянч-ҳаракат аппарати тизимининг фаолиятини барқарорлаштириш учун физиотерапевтик чоралар мажмуасини амалга ошириш керак бўлади. Мезоцикллар бир нечта микроцикллардан иборат бўлиб пара энгил атлетика турлари бўйича ТҲА шикастланган юқори малакали спортчиларни тайёрлашда бир нечта микроциклларни ажратиб кўрсатиш мумкин, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга - зарбдор, тортувчи, тикловчи, мусобақа, назорат ва ўтиш. Охириги тўртта кичик давомийлик 3-4 кунга эга бўлиши мумкин. Деярли барча мезоциклларни ўз ичига олган микроциклларнинг катта қисми ҳафталик давомийликка эга. Микроцикллар тайёргарлик босқичининг асосий қисмини кўпини ташкил қилади. Зарбдор микроцикллар 3 кундан 7 кунгача кетма-кетликда ўтказилади ва машғулот таъсирини амалга оширишнинг асосий даври бўлиб хизмат қилади.

Микроциклларнинг бу тури, бир томондан, машғулот юкламаларининг сезиларли даражада пасайиши, иккинчи томондан, спортчининг тайёргарлигини, шу жумладан юқори интенсивлик билан бажариладиган тайёргарлигини баҳолайдиган турли хил жисмоний воситаларни киритиш билан тавсифланади.

Микроциклларнинг қисқариши, уларнинг таркибига қараб, алоҳида-алоҳида ёки кетма-кет фойдаланиш мумкин бўлади. Ушбу микроциклларда

бажарилган юклама ҳажми ҳам, интенсивлиги бўйича ҳам кескин камади ва қайта тиклашнинг қўшимча воситалари киритилди (1-расмга қаранг)




1-расм. Пара енгил тлетика улоқтирувчи юқори малакали спортчиларни спорт машғулотларини даврийлаштириш

Диссертациянинг “Пара енгил атлетика спорт турлари бўйича ажратиш ва индивидуал техник тайёргарликни ривожлантириш хусусиятлари” деб номланган тўртинчи бобида асосий мусобақа машқларни видео ёзувларини таҳлил қилиш, биомеханик таҳлилдан фойдаланиб, мавжуд восита ҳаракатларининг параметрларини аниқлашни ҳисобга олган ҳолда модел хусусиятлари аниқланди ва таққосланди, шундан сўнг мусобақа машқларни бажариш услубини тузатиш амалга оширилди ва компютер дастури ёрдамида спорт жиҳозлари учун энг мақбул параметрлар аниқланди.

Ўрганилаётган турлардаги техник тайёргарликни назорат қилиш учун, сараланган машқларни бажариш учун видеотасвир таҳлилдан фойдаланишга асосланган - биомеханик хусусиятларни аниқлаш усулларида фойдаланиш тавсия этилади.

Дастакли стул ёрдамида ядрони ўтириб иткитиш техникасини таҳлил қилиш қулайлиги учун биз, мусобақа машқларини бешта асосий босқичга ажратамиз: бошланғич ҳолат, орқага бурилиш, "ўлик нуқта", якуний ҳаракат ва снарядни қўлдан чиқариш сонияси.




2-расм. Ядро итқитишни асосий ҳаракатларининг кинограммаси.

1-2-беланчак; 3- дастакни тортишни бошланиши; 4-"ўлик нуқта"; 5- ядрони бўйнидан ажратиш ва чап елканинг тўхташи; 6- ядрони қўлдан чиқариш.

Ушбу улоқтириш ускунасида утириб улоқтиришда бошланғич ҳолатнинг хусусиятлари сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. Дастгоҳ устунини ушлаб туриш ва вертикал равишда бошнинг эгилиш даражасида, бўйиннинг энг паст нуқтада тутиб туриш ва қўлнинг елка-бўғин даражасигача бажарилиши мумкин. Дастгоҳгача бўлган масофа алоҳида танланади ва спортчининг антропометрик кўрсаткичларига боғлиқ бўлади. Улоқтириш йўналишига перпендикуляр бўлган тоснинг ҳолати (тос ўқи) ҳам сезиларли даражада фарқ қилади. Бу ҳолат биринчи навбатда спортчининг улоқтириш пайтида тананинг мушакларини қўша олишига боғлиқ бўлади. Мушаклари фаол ишлаш имконияти бўлмаган тақдирда, ўтиришда тос ўқи ва ядро итқитиш йўналишига қарама-қарши бўлиб орасидаги катта бурчак билан амалга оширилади. Бурилишнинг асосий мақсади скелет мушакларининг мутаносиб ишлаши ва кейинги босқичларда ядрони тезлашиши учун дастлабки шароитларни яратишдир. Спортчининг чайқалиши бошида устунга озгина тегиши ҳаракат амплитудасининг ошишига олиб келади. Улоқтириш дастгоҳига чап қўлни чўзиш, танани сагиттал текисликда эгиш ва танани соат йўналиши бўйича горизонтал текисликда айлантириш туфайли амалга оширилади. Тананинг айланиши юқори елка-камарнинг мушаклари итарувчи қўлнинг тирсаги орқага тортилганда амалга оширилади, бу тананинг бурилишнинг тезлиги ҳолатини оширади, тананинг мушаклари яхши эгилганда якуний саъй-ҳаракатларда портлаш учун яхшироқ тайёрланишига ва сагиттал текисликда кўтарилишни ва елка-камарнинг айланишини мувофиқлаштиришга имкон беради.

Бурилиш фазасининг охирига келиб, итарувчи қўлнинг тирсаги сагиттал ўқи атрофида елканинг эгилиши туфайли максимал даражада тортилади. Горизонтал айланиш ўқи чап қўлнинг елка бўғимидан ўтади. Энг паст нуқтада, спортчининг танаси камонининг тизмасига ўхшайди ва тезлаштирувчи кучи унинг қанча чўзилганига боғлиқ бўлади. Спортчи томонидан тебраниш фазасида ишлаб чиқилган кинетик энергия мушак тўқималарига чўзилган потенциал энергияларга ўтади. Кейинги фазаларда бу энергия кинетик энергияга айланади, бу эса спортчига ҳаракатини янада кучайтиришга имкон беради.



3-расм. Сагиттал текисликда тананинг, чап ва ўнг елкаларининг эгилиш бурчакларини вақтга боғлиқлиги ва йўналиши.

“Фремжи” ускунаси ёрдамида бўғим ҳаракатлари яни юқори малакали б спортчининг дастакли ва дастаксиз стул ёрдамида ўтириш ҳолатида улоқтиришни амалга ошириш техникасини биомеханик маълумотлари аниқланди.

Мусобақа машқларни видео кузатув асосида биомеханик хусусиятларнинг таҳлили ўтказилиб, уларнинг модел хусусиятлари билан таққослаш амалга оширилди. Биомеханик хусусиятларни аниқлаш учун энг яхши уриниш натижалари ҳисобга олинди. Тажриба гуруҳи спортчиларининг натижалари б-жадвалда келтирилган. Ушбу алгоритмга биноан ҳар бир мусобақада олтига ўлчов ўтказилди. Ҳар бир мусобақада машқдаги техник захиралар аниқлангандан сўнг, техник тузатиш амалга оширилди - ушбу машқларни бажариш техникасини оптималлаштириш бўйича индивидуал тавсиялар берилди.

б-жадвал

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида тажриба гуруҳи спортчиларининг мусобақа ва мусобақа олди синов натижалари

№	Ф.И.Ш	Турлар	Текширув 1	Текширув 2	Текширув 3	Текширув 4	Текширув 5	Текширув 6
1	Н.Х	ядро	13,04	12,95	13,38*	13,45*	13,47*	13,81*
2	Л.О	найза	26,09	26,11*	26,26*	26,32*	26,42*	26,53*
3	И.В	ядро	10,38	10,38*	10,42*	10,51*	10,65*	10,68*
4	Қ.Н.	ядро	10,49	10,71*	10,81*	11,43*	11,43*	11,68*
5	А.Д	ядро	9,06	9,13*	9,15*	9,15	9,18*	9,21*
6	И.В	диск	19,68	19,86*	19,94*	19,98*	19,91*	21,16*
7	Х.М	диск	22,49	22,54*	22,69*	22,68	22,80*	22,82*
8	Қ.Н.	найза	21,13	20,53*	21,49*	21,56*	21,64*	21,67*
9	Х.М	ядро	7,02	7,34*	7,70*	7,77*	7,80*	7,82*

* энг яхши шахсий натижалар.


Изоҳ: Тажриба давомида ҳар бир спортчиларни мусобақа ва мусобақа олди жараёнида улоқтириш турлари бўйича олти марта синовдан ўтказилди ва ҳаммаси бўлиб 6 нафар спортчи текширилди. Тадқиқот гуруҳининг спортчилари синовдан ўтказиш натижаларини таҳлил қилишда ($n = 6$) спортчилар тегишли турлар бўйича энг яхши кўрсаткичлардан юқори бўлган 9 та натижани бажарди.

7-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳи спортчиларни улоқтириш бўйича тадқиқотдан олдин ва тадқиқот сўнггида эришган натижалари

Тажриба гуруҳи	Тадқиқот боши			Тадқиқот охири			Ўсиш		t	P
	\bar{X}	σ	V	\bar{X}	σ	V	см	%		
ядро итқитиш, n = 5	9,64	0,91	9,44	11,03	0,97	8,79	1,39	14,42	2,34	<0,05
диск улоқтириш, n = 2	25,29	1,97	7,79	31,13	2,26	7,26	5,84	23,09	4,36	<0,05
найза улоқтириш, n = 2	18,64	1,81	9,71	24,27	2,24	9,23	5,63	30,20	4,37	<0,05
Назорат гуруҳи										
ядро итқитиш, n = 5	9,62	0,89	11,10	9,63	0,93	10,30	0,01	12,59	1,92	>0,05
диск улоқтириш, n = 2	24,24	1,76	10,21	25,23	1,89	9,83	1,99	11,54	1,89	>0,05
найза улоқтириш, n = 2	18,36	2,08	11,33	20,67	2,19	10,60	2,31	12,58	1,87	>0,05

